

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ТУЛАГАНОВА МОХИНУР ВОҲИД ҚИЗИ

“SIRO” ИП БУРАМЛАРИНИНГ ЎЗГАРМАСЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ
ТЕХНОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Тулаганова Мохинур Вохид қизи

“Siro” ип бурамларининг ўзгармаслигини таъминловчи технологик параметрларни ишлаб чиқиш..... 3

Тулаганова Мохинур Вохид қизи

Разработка технологических параметров, обеспечивающих постоянство кручений пряжи “Siro” 23

Tulaganova Mohinur Vohid qizi

Development of technological parametrs ensuring the constancy of twists of the yarn “Siro” 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ТУЛАГАНОВА МОХИНУР ВОҲИД ҚИЗИ

**“SIRO” ИП БУРАМЛАРИНИНГ ЎЗГАРМАСЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ
ТЕХНОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1175 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муродов Тохир Бахромович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Муқимов Мираззал Миранобович
техника фанлари доктори, профессор

Ўлдошев Жамшид Қамбаралневич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон табиий тоғалар илмий-тадқиқот
институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.12.2019.T.08.01 – рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «23» феврал соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100, Тошкент ш., Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (128 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Тошкент ш., Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй. Тел.:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2022 йил «9» феврал куни тарқатилди.
(2022 йил «9» февралдаги 128 рақамли реестр баённомаси).



И.К.Сабиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, т.ф.д.

А.З.Маматов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгашнинг илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.Р.Ханхаджаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик саноати иқтисодиётнинг барча йўналишларига таъсир кўрсатувчи соҳалардан бири ҳисобланади ва бу соҳа табиий ва кимёвий толаларни қайта ишлаб, аҳоли ва саноат эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар етказиб беришнинг етакчи ўринларидан бирини эгалламоқда. Жаҳон савдо ташкилотларининг маълумотларига кўра, Европа Иттифоқи тўқимачилик ва кийим-кечак импорт қилувчиси бўлиб, жаҳонда унинг улуши 23 фоиздан ортиқни ташкил этади. Европа Иттифоқидаги энг йирик тўқимачилик бозорлари: Италия, Нидерландия, Германия, Франция, Испания мамлакатлари тўқимачилик маҳсулотлари импортининг 72 фоизини ташкил қилади. Европа Иттифоқида тўқимачилик маҳсулотларининг импорт қиймати йилига 5,8 фоизга ўсиб бормоқда ва трикотаж маҳсулотлари минтақадаги энг йирик маҳсулот сегменти бўлиб қолмоқда. АҚШ эса, дунёдаги энг йирик тўқимачилик экспортчиларидан бири бўлиши билан бир қаторда иккинчи йирик импортёр ҳисобланади. Мамлакатнинг импорт қиймати 27 миллиард долларга тенг. Сўнгги 15 йил ичида АҚШга мато ва тўқимачилик маҳсулотлари импорти 77,8 фоизга ўсди, чунки мамлакат ҳозирда кийим-кечак ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринни эгалламайди ва шу билан бирга энг йирик истеъмолчилардан бири бўлиб қолмоқда¹. Бу ўз навбатида йигирилган ип ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳам ортишига олиб келади. Дунё миқёсида тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида йигирилган сифатли ва рақобатбардош ип олишда ҳалқали йигириш машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан янги ассортиментдаги ип ишлаб чиқиш учун сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда йигирилган ипларни ишлаб чиқариш саноати учун илм-фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан самарали фойдаланишни таъминловчи инновацион техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, мавжуд технологияларни модернизация қилиш ва такомиллаштириш, йигирилган ип ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, уларинг илмий асосларни ишлаб чиқиш, йигирилган ипларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир этадиган меъёрий технологик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, йигиришнинг янги техника ва технологияларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, йигирилган ипларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, рақобатбардош кўрсаткичларга эга бўлган ип ишлаб чиқариш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва соҳага янги инновацион технологияларни жорий этиш орқали ресурстежамкор, рақобатбардош ҳамда экспортбоп маҳсулотларнинг янги турларини яратиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга

¹ <http://www.fao.org/faostat/#>; <https://www.zerno-ua.com>.

эришилмоқда. 2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш, тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш, жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда тўқимачилик соҳаларининг ишлаб чиқаришга таъсирини ўрганиш, ип-калавани чуқур қайта ишлаш, 2026 йилга қадар ип калавани тўлиқ қайта ишлашни йўлга қўйиш, тайёр маҳсулотлар учун миллий брендларни ривожлантириш ва уларнинг экспортини ошириш, жумладан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб Тошкент тўқимачилик технопарки ва бошқа алоқадор Олий ўқув юртларида соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш, сунъий толани қайта ишлаш ҳажмларини 200 минг тоннага етказиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, йигирилган иплардан тўқиладиган матоларининг сифатини ошириш, жараёнда ипларнинг узилишини камайтириш, истеъмол хусусиятлари яхшиланган янги ассортиментдаги тўқималар ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2019 йил 12 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4186-сон, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II.«Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Йигириш корхоналарида классик усулда пишитилган ип ишлаб чиқаришда ипнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш, катта чизиқий зичликдаги “Siro” усулида йигириб пишитилган ип ишлаб чиқаришни тадқиқ этиш билан ҳорижда В.А.Ворошилов, Г.В.Соколов, П.Д.Балясов, А.Г.Севостянов, П.К.Кориковский, М.М.Моисеенко, О.Г.Острогожский, К.Р.Cheng, M.N.Sun, V.Subramaniam, K.S.Natarjan, D.Rosiak, K.Przybl, C.I.Su, H.C.Liu, J.Y.Jiang, N.Gokarneshan, N.Anbumani, K.R.Solhotra, S.P.Chu, S.K.Cheng, R.Ghasemi, L.Zhang, N.Brun ва бошқалар шуғулланганлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тўғрисидаги» ги Фармони.

Мамлакатимизда йигирилган ип ишлаб чиқариш соҳасининг ривожига бир қатор тадқиқотлар Р.З.Бурнашев, Х.Х.Алимова, Б.М.Мардонов, А.Д.Джураев, Б.А.Азимов, Х.Х.Ибрагимов, Л.А.Амзаев, Қ.Ж.Жуманиязов, Қ.Ғ.Ғофуров, С.Л.Матисмаилов, Х.Парпиев, Т.Б.Муродов, А.Пирматов, Р.Аблаев, Х.У.Мелибаев, В.Т.Исақулов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Соҳага оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, “Siro” усулида иплар асосан ингичка толали 38-60 мм гача узунликдаги пахта ва кимёвий толалардан ўрта ва катта чизиқий зичликдаги иплар ишлаб чиқарилган. Республикамизда етиштириладиган ўрта толали 28-34 мм бўлган пахта толасидан кичик чизиқий зичликдаги “Siro” ипи ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-13-127 «Шаклдор ип тайёрлашда чўзиш жуфтлиги боғлиқлиги тадқиқоти» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳалқали йигириш машиналарининг технологик имкониятларидан келиб чиқиб, ўрта толали пахтадан “Siro” усулида ип олишда бурамларнинг ўзгармаслигини таъминловчи оптимал параметрлари ҳисобига сифатли рақобатбардош ип ишлаб чиқаришни асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳалқали йигириш машиналари “Siro” усулида ип йигиришнинг техника ва технологиялари ҳолатини ўрганиш ва “Siro” ипи олишда пилик зичлагичларни таҳлил тадқиқ этиш;

ҳалқали йигириш машинасида пилик зичлагичларни “Siro” ипи олиш учун такомиллаштириш;

“Siro” ипи ишлаб чиқаришда такомиллаштирилган пилик зичлагич параметрларини пишитиш учбурчагига ва пишитилганликга таъсирини аниқлаш;

“Siro” ип ишлаб чиқариш технологиясининг оптимал параметрларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳалқали йигириш машинаси, ишчи органлари, пилик зичлагич, чўзиш асбоби қабул қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида “Siro” ип йигириш усули, “Siro” ипининг физик-механик хоссалари, ҳалқали йигириш машинасида пишитиш учбурчагининг шаклланиш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишида “Siro” ипи ишлаб чиқаришнинг назарий асослари, экспериментал ва назарий механиканинг умумий тадқиқот натижаларини олиш имконини берувчи назарий–тажрибавий усуллар, математик статистиканинг тажрибаларини режалаштириш, тадқиқот натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўрта толали пахта толасидан “Siro” ип олиш учун ҳалқали йигириш машинаси пилик зичлагичлари тузилиши жуфт, ички қисми рифлялар билан такомиллаштирилган;

“Siro” ипи йигиришда пилик зичлагич тирқишлари оралиқ масофасининг пишитиш учбурчагига таъсири даражаси аниқланган;

ҳалқали йигириш машинасида пишитиш учбурчаги шаклининг ўзгариши боғланишлари “Siro” ипи учун илк бор ишлаб чиқилган ва бурамлар доимийлигига эришиш шартлари назарий аниқланган;

“Siro” ипининг физик-механик хосса кўрсаткичларига таъсир этадиган пилик зичлагич тирқишлари оралиқ масофасининг солиштирма узиш кучи, бурамлар ва кесимлар бўйича вариация коэффицентининг рационал параметрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўрта толали пахтадан физик-механик хоссалари юқори бўлган “Siro” ипи ишлаб чиқилган;

ҳалқали йигириш машинаси учун такомиллаштирилган пилик зичлагич конструкцияси яратилган;

тажрибавий “Siro” ипи олиш учун ҳалқали йигириш машинаси ишчи параметрлари оптималлаштирилган;

ишлаб чиқарилган “Siro” ипи тўқув-трикотаж матоларини янги ассортиментини олишда қўлланилган ва тўқиш жараёнида ип узилиши камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида шакллантирилган илмий ҳолатлар, принциплар, хулосалар ва тавсиялар, назарий ва тажрибавий тадқиқотларга, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлигига, шунингдек, натижаларни солиштириш, давлат стандарт талаблари, баҳолаш меъзонлари ва критерийларига кўра, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотлари билан қиёсий таҳлилига кўра асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрта толали пахта толасидан кичик чизиқий зичликдаги “Siro” ип олиш технологияси ишлаб чиқилганлиги, ип сифат кўрсаткичларига ва физик-механик хусусиятларига пилик зичлагич оралиқ масофаси таъсир этиш қонуниятлари аниқланганлиги, ҳалқали йигириш машинасидаги пилик зичлагич назарий ечимлар асосида такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўрта толали пахта толасидан “Siro” ипи ишлаб чиқариш технологиясини такомиллашганлиги, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган 14 тексли “Siro” танда ипи олиш технологияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта толали пахтадан “Siro” ип олиш технологиясини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

пилик зичлагичга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти («Пилик зичлагич» № FAP 01623) олинган. Натижада ўрта толали пахта толасидан “Siro” танда ип ишлаб чиқариш имконияти яратилди;

“Siro” ип ишлаб чиқариш технологияси «O’zto’qimachilik sanoati» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарида, хусусан OSBORN TEXTILE” ХК МЧЖ, «XORAZM TEX» МЧЖ, «Boston Mega Tekstil» МЧЖларда жорий этилган («O’zto’qimachilik sanoati» уюшмасининг 2021 йил 8 июлдаги 03/14-2083-сон маълумотномаси). Натижада ўрта толали пахта толасидан “Siro” ип ишлаб чиқариш жараёнининг қисқариши ва ипларнинг узилишлар сонини 20,76% га камайиши ва ип чиқиш миқдорининг 1,42 % ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича жами 8 та илмий-техник анжуманларда, шу жумладан 4 та халқаро ва 4 та Республика илмий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, шу жумладан ҳорижда 7 та мақола нашр этилган, ҳамда Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 1 та фойдали моделга патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳалқали усулда “Siro” ип йигиришнинг техника-технологиялари ҳолати ва уларнинг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида адабиёт таҳлили ёритилган бўлиб, унда тўқимачилик саноатининг бугунги ҳолати, бунда “Siro” ипи ишлаб чиқаришнинг тутган ўрни, тўқув ва трикотаж маҳсулотларини янги ассортиментларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиш ҳамда “Siro” ип тузилиши ва ишлаб чиқариш усуллари каби масалаларга эътибор қаратилган.

Олиб борилган адабиётлар таҳлили натижалари асосида “Siro” усулида Республикада етиштирилладиган 28-34 мм бўлган ўрта толали пахта толасидан кичик чизиқли зичликдаги “Siro” ипи ишлаб чиқариш учун такомиллаштириш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар зарурлигини


кўрсатди. Илмий манбаларни таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси белгилаб берилган.

Диссертациянинг «Халқали йиғириш машинаси пилик зичлагич конструктив элементлари параметрларини ҳисоблаш» деб номланган иккинчи бобида қўшалок зичлагични қўллаб “Siro” ипи олиш технологик параметрларини ишлаб чиқиш, пилик зичлагичларнинг тузилиши ва уларнинг динамикаси йиғириш жараёнида қўшалок пилик зичлагичларининг тутамча таранглигига таъсири, “Siro” йиғирилган ипи ишлаб чиқаришда пишитиш учбурчагига ва ипдаги пишитилганликка таъсири, зичлагичларнинг оралик масофасининг пишитиш учбурчагига боғлиқлиги, пишитиш учбурчагида тола таранглиги, стационар режимда учта участкали битта зонали пишитишни моделлаштириш қонуниятлари тадқиқ этилган. “Siro” ипининг сифат кўрсаткичлари бўйича адабиётларда кўплаб пилик зичлагичлар устида турли тадқиқотлар амалга оширилганлиги келтирилган бўлсада, бироқ айрим тадқиқотлардагина “Siro” усулига мўлжалланган пилик зичлагичлар юзасида тадқиқотлар ўтказилган. Ўтказилган тадқиқотлар асосан узун толали пахта толаси учун мўлжалланган. Мавжуд хом ашёдан унумли фойдаланиш мақсадида ўрта толали пахта толасига мўлжалланган қўшалок тирқишли пилик зичлагич конструкциясини яратишни тақозо этади.

Зичлагичларнинг маълум конструкцияларида пиликнинг сифат кўрсаткичларини ошириш мақсадида чўзиш қурилмасининг сўнгги жуфти олдида қўшимча икки тирқишли зичлагич қўлланилган. Бу пиликнинг сифат кўрсаткичларини ошириш имконини беради. Ушбу конструкциянинг асосий камчилиги кичик чизиқий зичликдаги ипларни олишнинг мураккаблигидан иборат. Пиликни узиш кучи ошсада, пиликни чўзиш жараёни қийинлашади. Қўйилган вазифа пилик учун икки тирқишли зичлагич конструкциясини такомиллаштириш билан ҳал этилиб, у толаларни зичлаштиришдаги, айниқса, пиликнинг қуйи қисмида толаларни зичлиги катта бўлган жойларда толаларнинг параллеллигини таъминлайди.

Янги такомиллаштирилган конструкциянинг афзаллиги қуйидагича бўлиб, бунда пилик учун ишқаланишга бардошли бўлган полимер материалдан тайёрланган, конуссимон шаклда тайёрланган ва конусларнинг ички юзаларида бўйлама рифляли бўлиб, уларнинг кенглиги кириш қисмидан чиқиш қисмигача камайиб боради, бунда зичлагичнинг юқори қисмидаги рифляларнинг орасида қадам t_1 қуйи қисмидаги рифлялар орасидаги t_2 қадамидан икки баробар катта ҳамда бунда кириш қисмидаги тешик доира шаклида бажарилган бўлса, чиқиш қисмида эса ўлчами $(3,0 \times 1,2)$ мм² бўлган овал шаклда қилинган. Конуслар маркази орасидаги масофа 10 мм қилиб танлаб олинган.

Конструкция чизма ёрдамида тавсифланиб, бу ерда а-расмда пилик зичлагичининг олд кўриниши, б-расмда а-расмдаги А-А кесим, с-расмда б-расмдаги В-В кесим 1-расмда келтирилган. Зичлага пилик доирасимон кириш 1 қисмларидан 2дан ўтиб, толалар ўзаро зичлашиб пилик зичлагичининг овал тешикларидан 3 дан чиқиб кетади.



1-расм.Такомиллаштирилган пилик зичлагич

Бу ерда бўйлама рифлялар 6 ҳисобига пилик толаси зичлагичдан ўтишида параллел ҳолатда сақланади ва ўзгармайди. Бу зичлагичнинг чиқиш қисмида рифлялар 6 баландлигини h_1 дан h_2 га ва нолгача камайиши ҳисобига толаларнинг бутун узунлиги бўйлаб ўзаро зич контактга келишига олиб келади.

Йигириш жараёнида қўшалок пилик зичлагичларининг тутамча таранглигига таъсирини таҳлили ҳалқали йигириш машинасида йигириш жараёнига пиликни бир текисда ва узлуксиз таъминлаш, толаларни чўзиш асбоби жуфтлигида жипсланган ва толаларни бир бирига нисбатан силжиши ҳисобига тутамча шакилланишида пилик зичлагичларни таъсири катта.

Пилик зичлагич толаларини зичлаштириш жараёнида асосий параметр толалар орасидаги ишқаланиш кучи ва зичлагичнинг геометрик кўрсаткичларига боғлиқ. Пиликни узунлиги бўйлаб зичлаштириш жараёнида толалар орасидаги босим N ошади ва мос тарзда толалар орасидаги ишқаланиш кучи $F_{иш}$ ҳам ортади. Толалар орасидаги ишқаланиш кучининг умумий қиймати зичлагич ўлчамлари, тола материали (ишқаланиш коэффициенти), зичлагичда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган толалар миқдори ва рифлялар сонига боғлиқ бўлади.

Чиқиш тешигининг кесими конуснинг кириш тешиги кесимидан 2-3,3 марта кичиклиги, шакллантирувчи конуснинг эгилиш бурчаги α ни ҳамда толалар орасидаги ишқаланиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда умумлаштирилган ишқаланиш кучи куйидагича бўлади:

$$F_{иш} = (2,0 \div 3,5)(n - 1)fN \cos \alpha \quad (1)$$


Бу ерда n -зичлагичдаги толалар миқдори, f -толалар орасидаги ишқаланиш коэффициенти, N -зичлагич орасидаги толалар босими, α -конуснинг эгилиш бурчаги.

Таъкидлаш жоизки, толалар орасидаги ишқаланиш кучига зичлагич рифляларининг ўлчамлари, сони ҳамда толаларнинг ўзаро чуваланиш миқдори ҳам таъсир қилади. Бу кўрсаткичлар коэффицентларни (1) га киритишда ҳисобга олинган.

$$F_{иш} = (2,0 \div 3,5)(n - 1)fNK_1K_2 \cos \alpha \quad (2)$$


Бу ерда K_1 - рифляларнинг толалар орасидаги ишқаланиш кучига таъсири коэффицент. K_2 -толалар орасидаги ишқаланиш кучига коэффицент. Ҳалқали йигириш машинасида пиликни зичлаш жараёнида битта зичлагичдан турли

микдордаги параллел толалар ўтади. Ўртача мавжуд зичлагичларда 680÷700 толалар мавжуд бўлади.



2-расм. Толага таъсир қилувчи кучлар йўналиши

Қанчалик толалар сони кўп бўлса, шунчалик зичлик ҳам катта бўлади, толалар орасидаги ишқаланиш ҳам ортади. Натижада толаларнинг ўзаро чигаллиги юзага келиб, ипнинг сифат кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатади. 3-расмда умумий ишқаланиш кучининг пиллик толалари миқдори ўзгаришига боғлиқлигини кўрсатувчи график ифодаланган.



1- $f=0,22 - 0,3$ (пахта толаси); 2- $f=0,3 - 0,4$ (капрон толаси); 3- $f=0,35 - 0,48$ (лавсан толаси).

3-расм. Зичлагич конусидаги толалар ишқаланиш кучининг толалар миқдорини ўзгаришига боғлиқлиги графиги


Олинган графикларнинг таҳлили кўрсатишича, пахта толали пилликда толалар сонини 840 га етиши зичлагичда толаларнинг умумий ишқаланиш кучини чизиқли қонуният бўйича $0,084 \cdot 10^{-4}$ Н дан $0,31 \cdot 10^{-4}$ Н гача ортишига олиб келади.

Зичлик ортиши билан: толалар орасидаги контакт юзаси ортиб, толалар ўртасида қўшимча босим кучлари вужудга келади. Шунинг учун зичлаштириш жараёнида толалар ўртасидаги умумий ишқаланиш кучини камайтириш мақсадида конус тешиклари кесимлари юзаларини ўртасидаги фарқни камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. $F_{иш}=(2,2-2,5) \cdot 10^{-4}$ Н чегарасидан кичик қийматларда сақлаш учун $S_{кир}/S_{чик}=(2,5-3,5)$ ва $\alpha \leq (30^\circ - 35^\circ)$ қабул қилиш тавсия этилади.

Юқори ишқаланиш коэффициентига эга толалардан ип олишда умумий ишқаланиш кучини ортиб кетишига олиб келади. Аммо бунда рифлялардан фойдаланиш ва бу билан толалар орасидаги чигаллашиш камайтирилиши етарли даражада f ни ортишида $F_{иш}$ ни жадал тарзда ортиб кетиши олдини олади. $f \leq (0,4-0,45)$ да $F_{иш} \leq (2,2-2,5) \cdot 10^{-4}$ Н таъминлашда куйидаги қийматлар тавсия этилади: $K_1=0,9-0,95$; $K_2=0,75-0,80$.

$F_{иш}$ ўзгаришини турли ишқаланиш коэффициентларига эга пилликни зичлаштиришда α вариация бурчагига боғлиқлиги келтирилган. Юқорида

таъкидланганидек, $F_{\text{иш}} \leq (2,2-2,5) \cdot 10^{-4} \text{Н}$ ни таъминлаш учун $\alpha \leq 40^\circ$ ни қабул қилиш тавсия этилади.




1-пахта толаси; 2-капрон толаси; 3-лавсан толаси
4-расм. Ишқаланиш кучини зичлагичнинг ҳосил қилувчи конуссини эгилиш бурчагини ўсиши ҳисобига ўзгаришининг боғлиқлик графиги.

Қиёсий тажрибалар ишлаб чиқариш шароитида Zinser 350 машинасида амалга оширилган. Тажриба натижаларининг таҳлилини шуни кўрсатадики, такомиллаштирилган пилик зичлагич барча турдаги толалар учун қўллаш имкониятини яратади. Иккита пилик қўшилиши ҳисобига бир йўналишда SS/S ёки ZZ/Z тузилишдаги янги ассортиментдаги Siro ипи ишлаб чиқаришга эришилади.

Пилик зичлагич тирқиш оралик масофасини оптимал варианти танлаш учун ўрта ва ингичка чизиқий зичликдаги “Siro” ипи ишлаб чиқариш учун тадқиқотлар ўтказилди. Пилик зичлагичлар тирқишлар оралик масофаси 4, 6, 8, 10, 12, 14мм ларда тажриба синов ишлари амалга оширилди. Пилик зичлагичлар тирқишлар оралик масофаси 4-6 мм бўлганда тутамчаларга берилаётган бурамлар сони камлиги ипнинг узилишдаги пишиқлигини камайишига олиб келди. Ип юзасида тукдорлик ва нотекисликларни ортишига сабаб бўлди. Пилик зичлагичлар тирқишлар оралик масофаси 8 мм бўлганда узилишдаги пишиқлик ортсада, ип юзасидаги нотекислик ва тукдорлик камайди. Тирқиш оралик масофаси 10 мм бўлганда бурамлар сони кўпайиши ҳисобига узилишдаги пишиқлиги ортди, ип юзасидаги тукдорлик даражаси ва нотекислик камайди. Оралик тирқиш 12-14 мм бўлганда эса эзувчи валиклардан ташқарига чиқиб кетиш ҳолати ҳисобига тутамчаларни иккитасидан биттаси узилиши кузатилди. Пилик зичлагич бир неча вариантда оралик масофаси ўзгариши бўйича олиб борилган тажрибалар таҳлилидан келиб чиқиб пилик зичлиги 10 мм ораликдаги тирқишларда “Siro” ипи олиш усулида ишлатиш мумкин эканлиги аниқланди.


Ҳалқали йигириш машинаси ип йигириш жараёнида чўзиш асбобидан чиқаётган тутамча ҳаракат йўналиши бўйича бир текис пишитиш учбурчагини ҳосил қилади. Толали қатлам марказга қараб ҳаракатланиб бурам олади. Йигирилаётган ип пишитиш учбурчакларидан бирини ташқи таранглик таъсири чизиғига нисбатан учбурчакда носимметрик жойлашган толалар тизими сифатида тасаввур қиламиз. $FE=h$, $FG=l$ катталиклар, α бурчак, вертикал куч Т катталиги ва мазкур куч билан вертикал орасида ҳосил бўлган бурчак боғлиқ бўлади.




5-расм. Siro ипи шаклланишининг схемаси

$$P_i = \frac{ES_{\text{вол}}}{\cos \alpha_i} + \text{mod} \frac{T \cos \alpha - 0.5 * S_{\text{вол}} E \sum_{i=1}^n (1 + \text{tg}^2 \alpha_i) \text{tg}^2 \alpha_i + \sum_{j=1}^m (1 + \text{tg}^2 \beta_j) \text{tg}^2 \beta_j}{ES_{\text{вол}} \cos \alpha_i \sum_{i=1}^n} \quad (3)$$

$$\alpha = 0$$




$$\alpha = 45^\circ$$




6-расм. Пиштиш учбурчагининг турли хил баландлик ва бурчак қийматларида тола таранглигининг эгри чизиқлари

$$\frac{L}{v_0} \frac{dK}{dt} + K = n_0 / v_0 \quad (4)$$

$$K = \frac{n_0}{v_0} [1 - \exp(-\frac{z}{L})] + K_0 \exp(-\frac{z}{L}) \quad (5)$$



7-расм. Пиштиш учбурчаги баландлигининг бурамларга таъсири



8-расм. Пишитиш учбурчаги параметрларини ҳисоблаш схемаси

$$\frac{\partial^2 W_n}{\partial t^2} + 2v \frac{\partial^2 W_n}{\partial z \partial t} + (v^2 - b^2) \frac{\partial^2 W_n}{\partial z^2} + a^2 \lambda_n^2 W_n = 0, \quad n = 1, 2, 3, \dots \quad (6)$$

$$W_n = y_n(z) e^{i\omega t} \quad y_n = A_n [\exp(i\alpha_{1n} z) - \exp(i\alpha_{2n} z)] \quad (7)$$

$$u = \sum_{n=1}^{\infty} (A_{1n} + iA_{2n}) [\exp i(\omega t + \alpha_{1n} z) - \exp i(\omega t + \alpha_{2n} z)] R_n(r) = \sum_{n=1}^{\infty} [u_{1n}(z, t) + iu_{2n}(z, t)] R_n(r) \quad (8)$$

Бурам ўзгаришини радиал йўналишни ҳисобга олмаган ҳолда тенгламадан берилган тўлқин сонлар учун ифодалар аниқланади.

$$\alpha_{n1} = k_1 = \frac{\omega}{b - v}, \quad \alpha_{n2} = k_2 = -\frac{\omega}{b + v} \quad (9)$$

Бунда k_1 ва k_2 тўлқин сонлар бўлиб, Oz ўқининг мусбат ва манфий йўналишлари бўйлаб Доплер эффекти билан боғлиқ ҳолда $b+v$ ва $v-b$ тезликлар билан мос равишда тўлқинларни тарқалишини кўрсатади.

Ҳисоб ишлари қуйидаги параметрларнинг қийматлари учун олиб борилган:

$$E_2 = 0.135 \cdot 10^7 \text{ Па}, \quad G = 5.55 \cdot 10^4 \text{ Па}, \quad \nu_{32} = 0.5, \quad r_0 = 0.094 \cdot 10^{-2} \text{ м}.$$


Бу ҳолда ип зичлиги, цилиндрик ва кўндаланг тўлқинларнинг тарқалиш тезликлари қуйидагига тенг бўлган

$$\rho = 25 \cdot 10^{-6} / 3.14 r_0^2 = 9 \text{ кг} / \text{м}^3, \quad a = \sqrt{E_2 / \rho} = 387 \text{ м} / \text{с}, \quad b = \sqrt{G / \rho} = 0.0078 \text{ м} / \text{с}$$

a ва M катталиқлар қуйидагича қийматларни қабул қилишади

$$a = 316 \text{ м} / \text{с}, \quad M = v / b = 42.65 \cdot J_0(\gamma_n)(\gamma_n^2 - 1) - \gamma_n J_1(\gamma_n) = 0 \quad \text{тенгламанинг илдизлари ва}$$

$n = 8$ учун $b_n = a\gamma_n / r_0$ қийматлари келтирилган.




9-расм. Ипнинг пишитилганлик модулини $X = |W(t, r, z)|$ z нинг турли хил қийматларида r ўзгарувчанга қараб ўзгариши

Стационар бурам бериш режимини бурам бериш қурилмасида қуйидаги йўл қўйиладиган шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилган:

Бурам бериш тўлкинининг тарқалиш тезлиги маҳсулотни звеноларларда кўндалангига ҳаракатланишига қараганда каттароқ бўлади.

Ҳаракатланиш тезлиги доимий бўлган бурам беришнинг стационар зоналарида маҳсулотга бурам бериш жараёни узлуксиз давом этади. Битта участкадан иккинчисига ўтиш нуқтасида маҳсулотга бурам бериш узлуксиз бўлади.

Ушбу йўл қўйиладиган шартларни қўллаган ҳолда бурам бериш моделидан фойдаланиб бурам бериш тенгламасини тузилган. Бунда бурам бериш зоналарининг ҳар бир кесимида бурам бериш жараёни тезкорлик билан юз бериб, зоналарнинг нуқталарида бурам турлича бўлади.



10-расм. Пишитиш учбурчагида бурам бериш шаклланиш схемаси

Ҳар бир участка учун алоҳида баланс тенгламаси тузилган.

$$L_1 \frac{dK_1}{dx} = \frac{n_1(x)}{v_1} - K_1 \quad \text{OA участкаси учун } 0 < x < L_1$$


$$L_2 \frac{dK_2}{dx} = \frac{n_2(x)}{v_2} - K_2 \quad \text{OB}_1 \text{ ва } \text{OB}_2 \text{ участкалари учун } 0 < x < L_2$$

$$K_1 = (K_{10} - n_{10}/v_1) \exp[-(L_1 - x)/L_1] + n_{10}/v_1$$


$$K_2 = [K_1(0)/2 - n_{10}/v_2] \exp(-x/L_2) + n_{10}/v_2$$

Ҳисобларда қуйидагилар қабул қилинган, $L_1 = 0.15\text{м}$, $L_2 = 0.02\text{м}$, $L_0 = 0.01\text{м}$,

$$K_{10} = 1000 \text{ (бурам/м)}, \rho_1 = \rho_2, S_1 = 0.5S_2$$



а)



б)

а) ОА оралиқда бурам жойлашиши K_1 (бурам /м)

б) OB_2 оралиқда бурам жойлашиши K_2 (бурам /м)

11- расм. Югурдакнинг бурчак тезлигининг пишитилганликга таъсири схемаси.

Диссертациянинг «Халқали йиғириш машинасида такомиллаштирилган зичлагични “Siro” ипи сифатига таъсирини тадқиқ этиш» деб номланган учинчи боби такомиллаштирилган пилик зичлагичлар параметрларини оптималлаш бўйича тажрибалар тадқиқоти, ҳомаки маҳсулотлар физик-механик хосса кўрсаткичлари таҳлили, “Siro” ипини олиш усули учун ҳаракатланувчи механизм параметрларини танлаш, “Siro” усулда ҳалқали йиғириш машинаси такомиллаштирилган пилик зичлагичлари ип юзасидаги бурамларни оптималлаш бўйича тадқиқотлар. Қайта тараш усулида йиғирилган чизиқий зичлиги 14 текс бўлган танда ипи «Zinser 350» ҳалқали йиғириш машинасига ўрнатилган такомиллаштирилган пилик зичлагичлар тирқишлари орасидаги масофа ва ип бурамларининг йиғирилган ип сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича тажриба ишлари олиб борилди.

Оптималлаш масаласини ечиш учун КОНО (КО₂) матрица ТОТ 3² – 9 ўтқазилди, яъни барча омиллар ўртасидаги қайтарилмайдиган комбинациялар миқдорлари назарга олинади, чунки тўқимачилик тадқиқотларда бу усул оптимал вариантни излашда энг самарали усул деб ҳисобланади [67].

Омилларни тажриба ўтказиш миқдорлари 1 жадвалда келтирилган

1-жадвал

Омилларнинг ўзгариш даражаси


Омиллар	Қиймати			Вариация оралиғи
	-1	0	+1	
X ₁ –пилик зичлагичлар орасидаги масофа, мм	8	10	12	2
X ₂ –ипдаги бурам сони, бур/м	900	1000	1100	100

$$y_1 = 14,6 - 0,196x_1 + 0,528x_2 - 0,133x_1x_2 - 0,196x_1^2 \quad (10)$$

$$y_2 = 2,477 + 0,051x_1 + 0,049x_2 + 0,056x_1x_2 + 0,038x_1^2 \quad (11)$$

$$y_3 = 11,92 + 0,198x_1 + 0,13x_2 + 0,0325x_1x_2 + 0,142x_1^2 \quad (12)$$



10 регрессия тенгламаси учун қурилган (12-расм) юза сиртини таҳлил қилиб айтиш мумкинки, қабул қилинган x₁ ва x₂ омилларни ўзгартириб, у₁ ипнинг солиштирма узиш кучини қийматини 13,945-15,134 сН/текс оралиғида олиш мумкин. Ипнинг энг юқори узиш кучи x₁ ҳолатида 0; -1 ва x₂+1 кодли қийматлар ичида. Натурал қийматларда бу зичлагичнинг тирқишлари орасидаги оралиқ 10 мм ва бурамлар сони 1080-1100 бур/м га тўғри келади.



12-расм. Ипнинг солиштирма узиш кучининг изочизиклари

11 регрессия тенгламадан бўйича олинган изчириклар талқинидан кўриниб турибдики, y_2 бурам сони бўйича вариация коэффиценти зичлагич тирқишлари орасидаги масофа 0 дан +1 гача ва бурам 0 дан +1 гача кодли қийматларининг ошиши билан оритишини кузатиш мумкин. Натурал қийматларда эса бу зичлагичнинг тирқишлари орасидаги оралиқ масофани 10 мм дан ошганда ва бурам сони 1000 бур/м га тўғри келади.

12 регрессия тенгламадан ва қурилган графикни таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, (x_2) бурам ва ҳалқали йиғириш машинасида таъминланаётган пиликлар орасидаги масофа ошиши (y_3) ипнинг ички нотекислиги ортишига олиб келганлигини кўриш мумкин. $x_1=1$ $x_2=1$ бўлганда нотекисликни максимал қиймати $C_v=12,329\%$.



а)


б)

13-расм. Узиш кучи ва ип кесимлар бўйича вариация коэффиценти (а) ипдаги бурам бўйича вариация коэффицентининг тирқиш оралиғига боғлиқлиги

13-расм (а ва б) дан кўриниб турибдики, бурам ошиши, ипнинг солиштирма узиш кучининг ошишига, такомиллаштирилган зичлагич тешиклари орасидаги масофаларнинг хар хил ўрнатилишида (йиғириш машинасида пиликларни қўшишда) ипнинг (C_m) кесимлар бўйича вариация коэффиценти ҳамда ип пишителиши бўйича вариация коэффиценти ортиб бориши аниқланди.

13.а-расмдан кўриниб турибдики, зичлагич тешиклари орасидаги масофани 8 дан 10 мм гача ҳамда бурам ошиши, ипнинг узиш кучини яхшиланишига, кесимлар ва бурам бўйича вариация коэффицентини камайишига олиб келади 13.б-расмда зичлагич тешиклари орасидаги масофани 10 дан 12 мм гача оширилса ип сифати кўрсаткичларини сезиларли даражада ёмонлашишига олиб келишини кўриш мумкин.

Йиғирилган ип бурамлар 1100 бур/м бўлганда ипнинг солиштирма узиш кучи 15,445 сН/текс дан 14,605 сН/текс гача камайди, ипнинг кесимлар бўйича вариация коэффиценти 11,76 дан 12,41%, бурам бўйича вариация коэффиценти эса 2,42 дан 2,75% ортди.



14-расм. Ипнинг сифат кўрсаткичлари

14-расмдан кўришиб турибдики ипнинг энг юқори солиштирма узиш кучи (15.3-15.5 сН/текс) 5 ва 6 вариантларда бўлиб, унда зичлагичлар тешиклари орасидаги масофа (йигирув машинасида иккита пилик қўшилганда оралик $L=10$ мм), бўлганда. Лекин 6-вариантда бурам 1100 бур/м (1000 бур/м 5-вариантда) ошиши ипнинг кесимлар вариация коэффиценти 11,68 дан 11,76% гача ва бурам бўйича вариация коэффиценти ошишига, йигирув машинасининг унумдорлиги эса табиий равишда пасайишига олиб келди.

4-вариантда эса ипнинг кесими бўйича энг кичик нотекислик-11,51% тенг бўлди. Ипнинг нотекислиги "йўл-йўллик" каби мато нуқсонига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун, оптимал вариант 5 ($L=10$ мм, $K=1000$, бур/м) деб топилди.

Диссертациянинг «**Халқали йигириш машинасида такомиллаштирилган зичлагични қўллаган ҳолда ишлаб чиқариш шароитида тадқиқ этиш**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот ўтказиш услуби, “Siro” усулида олинган тажрибавий ипни сифат кўрсаткичлари қиёсий таҳлили ва такомиллаштирилган зичлагични тадқиқ этишдаги иқтисодий самарадорлик ҳисобланган.

Тажрибалар “Siro” ипининг сифат кўрсаткичлари яъни такомиллаштирилган пилик зичлагични ипнинг тукдорлик даражасига, солиштирма узиш кучига, нотекислигига ва ипнинг узилишлар сонига таъсири ўрганилди. Тажрибалар уч маротаба қайта текшириш натижалари асосида баҳоланди.

Маҳсулотнинг физик-механик хоссалари стандарт усуллар ёрдамида, кўндаланг кесим бўйича нотекислиги ва ташқи кўринишдаги нуқсонлари USTER TESTER5-S 400 ускунасида аниқланди.


Ўрта толали пахтадан қайта тараш системасида олинган 14 текс қайта тараш ипи ва “Siro” ипининг физик-механик хоссалари аниқланиб, натижалари 2-жадвалда келтирилган.

“Siro” ва қайта тараш иplarининг физик-механик хоссалари

№	Кўрсаткичлар номи	“Siro” ипи	Қайта тараш ипи	Uster statistic 2018
1	Ипнинг чизиқий зичлиги, текс	14	14	14
2	Инглиз номери, N_e	42	42	42
3	Узиш кучи, cN	277,33	189,09	
4	Солиштирама узиш кучи, cN/текс	15,3	13,43	14,5>95
5	Узайиши (F_{max}) %	5,46	4,4	5>95
6	Узиш кучи бўйича вариация коэффиценти CV %	5,29	6,45	5,2>95
7	Узилиш вақти, секунд	3,44	2,83	-
8	Бурамлар сони	1000	945	-

2-жадвалдан кўришиб турибдики ишлаб чиқариш шароитида олинган “Siro” ипи оддий усулда олинган қайта тараш ипга қараганда, узиш кучи, солиштирама узиш кучи бўйича ортганлигини кўришимиз мумкин.


14 текс “Siro” ва қайта тараш иplarининг бир хил узунликлардаги вариация коэффицентларининг қийматлари ифодаланган диаграмма 15-расмда ўз аксини топган. Диаграмма асосида ҳар иккала ипнинг 3 ва 10 метр кесимлари бўйича вариация коэффиценти қийматлари ифодаланган.




— - Қайта тараш ипи (1)
— - “Siro” ипи (2)

15-расм. Ипнинг кесимлар бўйича вариация коэффицентлари

Вариация коэффицентининг қийматлари бўйича ҳосил бўлган диаграмма таҳлили натижаларига кўра “Siro” ипининг кесимлар бўйича вариация коэффицентлари, қайта тараш ипининг узунлик бўйича нотекислигидан кам эканлигини кўрсатади. Бу эса олинган “Siro” ипининг қайта тараш ипига нисбатан сифатли эканлигини англатади.



қайта тараш ип



Siro ипи

16-расм. Ип намуналарнинг микроскопик кўриниши

Чизиқий зичлиги 14 текс бўлган пахта ипининг наъмуналарини тукдорлик даражасини микроскоп «Optika В-150» ёрдамида аниқланиб рақамли фотоаппарат ёрдамида тасвирга олинган фото намуналари 16-расмда келтирилган.

Пилик зичлагич оралиқ масофаси қисқариши ип юзасидаги тукдорлик индексига ортиб кетишига сабаб бўлган. Пилик зичлагич оралиқ масофаси 8мм, 10мм ва 12мм лик қилиб тажриба ўтказилган бўлиб, 8 мм ликда тукдорлик индекси 3,6 бўлган бўлса, 10 мм да 3,3 ва 12 мм да эса 3,5 бўлгани аниқланди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, пилик зичлагич оралиқ масофаси 10 мм бўлганда ип тукдорлик индекси камайишига эришилган.

3-жадвал

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисоби.

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Вариантлар		Фарқи +,-
			Корхона	Тажриба	
1	Ип чизиқий зичлиги	текс	14	14	-
2.	Фойдали вақт коэффициенти	коэф	0,946	0,951	0,005
3.	Машинани иш унумдорлиги	кг/соат	9,53	9,59	
4.	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми	тонна	115,06	115,79	0,73
5.	Толадан ип чиқиш миқдори	%	88	88,084	+0,084
6.	Пахта толаси сарфи	тонна	130,75	131,52	+0,77
7.	ип навларининг ўзгариши ҳисобига иқтисодий самарадорлик	млн сўм		34,2	
8.	Фабрика бўйича йиллик умумий иқтисодий самарадорлик	минг сўм		36,24442 8	
9.	Бир тонна ип ишлаб чиқаришдаги иқтисодий самарадорлик	сўм		313,018	

ХУЛОСА

“Siro” ип бурамларининг ўзгармаслигини таъминловчи технологик параметрларини ишлаб чиқиш мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Пилик зичлагич оралиқ масофаси 10мм ли бўлганда тажриба натижаси шуни кўрсатдики бурам сони кўпайиши ҳисобига узилишдаги пишиқлиги ортди, ип юзасидаги тукдорлик ва нотекисликлар камайди.
2. Пишитиш учбурчагидаги асосий бурам тутамчаларга берилаётган бурам 1,5-2 мартаба камайиши аниқланган.
3. Регрессия тенгламалари шаклидаги қурилган математик моделлар ёрдамида ипнинг сифат кўрсаткичлари бўйича ҳар бир омилнинг (зичлагич тешиклари орасидаги масофани ва ипдаги бурам сонини) таъсир даражасини ва ип сифат кўрсаткичларини танланган омиллар ўзгартириш орқали олдиндан режалаштириш имкон беради.
4. Ипнинг комплекс сифат кўрсаткичлари, солиштирма узиш кучи 15,3 сН/текс, пишитилганлик бўйича нотекислиги 2,41% кўндаланг кесим

бўйича нотекислик C_m -11,68% ҳисобга олиб, 5 вариант оптимал вариант ($L=10$ мм, $K=1000$ бур/м) ҳисобланади.

5. Назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари ишлаб чиқариш шароитида «OSBORN TEXTILE» МЧЖ корхо насида, Германиянинг Zinser Saurer 350 ҳалқали йигирув машинасида тадқиқ этилиб, чизиқий зичлиги 14 текс ипни йигиришда пилик зичлагич тури ва 3 вариантда пилик зичлагич оралиқ масофаси таъсири ўрганилди.
6. Юқорида келтирилган пилик зичлагичлар корхонага татбиқ этилганида мавжуд технологияга нисбатан маҳсулот рентабеллиги юқори бўлиб, ип ишлаб чиқариш ҳажмини ва ип сифатини ошганлиги натижасида корхонанинг йиллик умумий иқтисодий самарадорлиги 36 млн 244 минг 428 сўм, бир тонна ипга эса 313 минг 18 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

Тулаганова Мохинур Вохид кизи

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ,
ОБЕСПЕЧИВАЮЩИХ ПОСТОЯНСТВО КРУЧЕНИЙ ПРЯЖИ “SIRO”**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/T1175.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:	Муродов Тохир Бахромович кандидат технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Мукимов Мириабал Мириаюбович доктор технических наук, профессор Ўлдишев Жамшид Қамбаралевич кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Узбекский научно-исследовательский институт натуральных волокон

Защита диссертации состоится «23» февраля 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-я аудитория, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №128). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «9» февраля 2022 года.
(реестр Протокола рассылки №128 от «9» февраля 2022 года).



И.К.Сабиров
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н.

А.З.Маматов
Членский секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.Р.Ханхаджаева
Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире текстильная промышленность является одним из секторов, влияющих на все отрасли экономики. Отрасль занимает ведущее место по переработке натуральных и химических волокон и поставке продукции, необходимой населению и промышленности. В мире по данным торговой организации, Европейский союз является крупнейшим импортером текстиля и одежды, на его долю приходится более 23 процентов мирового объема. Крупнейшие текстильные рынки в ЕС: Италия, Нидерланды, Испания и Великобритания составляют в 72 процента импорта текстильной продукции, этот показатель увеличивается на 5,8 процента в год, и трикотаж остается крупнейшим сегментом продукции в регионе. США является одним из крупнейших в мире экспортеров текстиля и вторым по величине импорта. Импорт страны составляет \$27 млрд¹. Это, в свою очередь, приводит к увеличению объемов производства пряжи. Это требует эффективного использования кольцепрядильных машин для производства высококачественной и конкурентоспособной пряжи при производстве готовых текстильных изделий по всему миру. В связи с этим использование качественного и энергосберегающего оборудования и устройств важно для разработки пряжи нового ассортимента.

В мире проводятся исследования по разработке инновационных приемов и технологий для мировой пряжи, модернизация и совершенствование существующих технологий, повышение эффективности производства пряжи, разработка их научных основ, подготовка и производство пряжи, научно-исследовательская работа по разработке нормативных технологических показателей, имеющих положительное воздействие на технологический процесс, создание новых приемов и технологий прядения. В связи с этим одной из важных задач является коренное изменение качества пряжи, проведение целевых научных исследований в таких областях, как производство пряжи с повышенными конкурентоспособными характеристиками.

В Республике принимаются обширные меры принимаются масштабные меры по развитию текстильной промышленности и созданию новых видов ресурсосберегающей, конкурентоспособной и ориентированной на экспорт продукции за счет внедрения в отрасль новых инновационных технологий. Стратегией развития Нового Узбекистан на 2022-2026 годы обозначены важные задачи, в частности «...Продолжение реализации промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и рост объема производства промышленной продукции в 1,4 раза, увеличение объема производства продукции текстильной промышленности в два раза, ... изучение влияния членства Узбекистана во Всемирную торговую организацию на сферу текстиля, ... глубокая обработка пряжи, Обеспечить полную переработку пряжи к 2026 г., развитие национальных брендов готовой продукции и

